

2023 йил «4» январ

Андижон ш.

Бир томонидан низом асосида ҳаракат қилувчи «Нуравшон Электр лойҳа» МЧЖ раҳбари З.Ворисов (кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади) иккинчи томонидан Давлат активларини бошқариш Агентлиги Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги ўз Низоми асосида иш юритувчи А.Алимжанов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

1 - ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Бажарувчи» Давлат активларини бошқариш Агентлиги Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси учун махсулот етказиб бериш (иш . хизмат курсатиш) ишларини бажариш, «Буюртмачи» эса ушбулар учун белгиланган тўловларни тўлаш мажбуриятини олади.

2 - ШАРТНОМА НАРХИ

2.1. Ўрнатиш ва қурилиш ишларининг шартномавий умумий баҳоси:
550 000 000.0 (Беш юз эллик миллион) сўм.

3 - ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» олдиндан шартнома суммасининг 30% миқдорида пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан қолган 70 % тўлови «Бажарувчи» томонидан махсулот етказиб берилганда (ўрнатиш ва қурилиш ишлари бажарилиб, бажарилган ишлар тўғрисидаги Далолатнома ва Форма-2 тақдим қилингандан сўнг 10 иш куни ичида) тўлаб берилиши шарт.

4 –ИШ БАЖАРИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг Махсулот етказиб бериш (ўрнатиш ва қурилиш ишларини 30 иш куни ичида) «Буюртмачи»га бажариб бериши шарт.

5 – БАЖАРИЛГАН ИШ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилган махсулот (Ўрнатиш ва қурилиш ишларининг сифати техник талабга тўлиқ белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати) меъёрий ҳужжатлар) «Буюртмачи»нинг талабига мос келиши шарт.

6 - ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Бажарувчи» мажбуриятлари:
-Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буюртмачи»га ўрнатиш ва қурилиш ишларини бажариб бериш;

-Сифати лозим даражада бўлмаган ўрнатиш ва қурилиш ишлари бажарилиш ва қабул қилиш жараёнида сифатсиздеб топилса баргараф қилишни ўз зиммасига олади.

6.2. «Бажарувчи» бажарилган ишлар ва ўрнатилган қурилмалар учун 24 ой қафолат муддати бериши ва бепул техник хизмат кўрсатиши шарт.

6.3. «Буюртмачи» мажбуриятлари:

-«Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, ўрнатиш ва қурилиш ишларига далолатнома тўзиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига, сифатига қараб ўз вақтида бажарилган ишларини қабул қилиб олиши лозим.

7 - ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда ўрнатиш ва қурилиш ишларини белгиланган муддатда бажариб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун бажариб берилмаган ўрнатиш ва қурилиш ишлари қийматининг 0,5% миқдорида «Буюртмачига»га устама(пеня) тўлайди, устама миқдори бажариб берилмаган иш қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларига кўрсатилган ўрнатиш ва қурилиш ишларини ўз вақтида, сифатли бажарилмаса, айбдор тараф 20% миқдорида жарима тўлайди.

7.4. «Буюртмачи» ўрнатиш ва қурилиш учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5% миқдорида аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

8 - ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Ҳавкулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларнинг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар баргараф қилиб бўлмайдиган куч 1-ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

9 – НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.

9.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низо ни хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва хақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи

барча низолар, конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан, шартномада назарда тутилмаган ҳолларда ёки тарафларни келишувига биноан ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

10 - ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.2. Ушбу шартнома 2023 йил «31» март гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланганидан сўнг конуний кучга киради.

11 - ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«БАЖАРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

**«NURAFSHON ELEKTR LOYIHA»
МЧЖ**

Манзил: Андижон вил. Шахрихон тум.

Х/р: 20208000200203398001

МФО: 01037

Банк: АТБ «Килок курилиш банк» бош

ИНН: 02584740 ОКОНХ: 71110

Тел.: +998 999996226



Раҳбар:

3.Ворисов

м.у.



раҳбар

м.у.

3. Ворисов

3. Ворисов